2015 йил 29 октябрь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 218 (13.031)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

***"Ўзэкспомарказ"да IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси давом этмоқда. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг иккинчи кунида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси, "Ўзқурилишматериаллари", "Ўзавтосаноат", "Ўзэлтехсаноат", "Ўзмонтажмахсусқурилиш" акциядорлик компаниялари, "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари корхоналарининг тақдимотлари бўлиб ўтди.***



Отабек Мирсоатов олган сурат

## ТАРМОҚЛАРАРО САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар миллий саноатимиз салоҳиятининг изчил юксалишига, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ва чакана савдо айланмасининг ошишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда йўл ва транспорт-коммуникация соҳаларида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу юртимизнинг жаҳон бозорига фаол интеграциялашуви ва ҳудудлар инфратузилмаси ривожида алоҳида ўрин тутмоқда. Автомобиль йўлларини қуриш, таъмирлаш ва уларни жаҳон андозаларига мослаштириш юзасидан амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида сўнгги йилларда қарийб 2 минг километр автомобиль йўли, хусусан, Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирувчи 1,5 минг километрлик йўл барпо этилгани тармоқдаги ишлар кўламидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 6 мартдаги "2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида"ги Қарори ушбу йўналишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Қарорга асосан Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирадиган автомобиль йўллари қисмлари ва умумий фойдаланишдаги йўлларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш, йўл ташкилотларининг моддий-техник базасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, 2015-2019 йилларда қарийб 3 минг километр узунликдаги йўлларда қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилади. Шу билан бирга, 4 минг километрдан зиёд хўжаликлараро йўллар, қарийб 2 минг километр шаҳар, қишлоқ ва туман кўчалари таъмирланиши, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлашни таъминлайдиган мингга яқин жиҳоз ва йўл-қурилиш техникасини харид қилиш назарда тутилган.

– Компаниямиз томонидан умумий фойдаланишдаги 42 минг километрдан зиёд автомобиль йўлларига хизмат кўрсатилмоқда, – дейди "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компанияси бош мутахассиси Алишер Давронов. – Жаҳон талабларига жавоб берадиган йўллар қуриш ва таъмирлаш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Инвестиция дастурларига асосан жорий йилда 376,1 километр узунликдаги автомобиль йўлларини қуриш ва тўлиқ таъмирлаш кўзда тутилган. Ўтган давр мобайнида 116,7 километрлик йўллар янгидан қурилди ва реконструкция қилинди, 34,9 километр йўл мукаммал таъмирланди, 670 километр йўл жорий таъмирдан чиқарилди. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси тармоқ корхоналари ва бошқа соҳаларда фаолият юритувчи субъектлар вакиллари билан мулоқотлар ўтказиб, ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бизнес шартномалари тузиш учун катта имкониятдир. Ўтган йилги ярмаркада компаниямиз тизимидаги корхоналар томонидан 103 миллиард 400 миллион сўмлик шартномалар имзолаган эдик. Бу галги анжуманда 115 миллиард сўмлик шартномалар тузишни режалаштирганмиз.

Иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқлари, жумладан, электротехника саноати жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Президентимизнинг шу йил 4 мартдаги 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони электротехника саноатини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Ҳужжатга мувофиқ соҳада умумий қиймати 268,5 миллион долларлик 39 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилаётир.

– Корхонамиз электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган Ўрта Осиёдаги ягона ва энг йирик саноат муассасасидир, – дейди "O`zelectroapparat Electroshield" қўшма корхонасининг тижорат ишлари бўйича директори Шерзод Шукуров. – Улар орасида ўрта ва юқори вольтли комплект мосламалар, очиқ конлар учун юқори вольтли ускуналар, қувурларни катодли ҳимоя қилиш технологиялари, конденсатор қурилмалари, электр аппаратлари ва электромонтаж маҳсулотлари, дазмол ва розеткалар каби халқ истеъмол товарлари бор. Корхонамизда, шунингдек, металлдан офис ва тиббиёт муассасалари учун турли ҳажм ва рангдаги мебель жиҳозлари тайёрланади. Маҳсулотларимиз юқори сифати, халқаро талабларга жавоб бериши ва рақобатдошлиги билан ажралиб туради. Улар Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон, Мўғулистон каби қатор мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Қулай сармоявий муҳит, солиқ ва божхона имтиёзлари корхонамизда ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил оширишда муҳим омил бўлмоқда. Асосий мақсадимиз ана шу қулай имкониятлардан унумли фойдаланиб, халқаро талабларга тўла жавоб берадиган маҳсулотларимиз экспортини янада оширишдан иборат. Ўтган йилги кооперацион биржада 210 миллиард сўмлик 102 шартнома имзолаган эдик. Жорий йилда ушбу кўрсаткични янада ошириш ниятидамиз.

*(Давоми 2-бетда)*

## РАЖИВ АРОРА: "МАМЛАКАТИНГИЗДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙ САРМОЯВИЙ МУҲИТ ЯРАТИЛГАН"

***Жорий йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро инвестициявий форумга Ҳиндистон ишбилармон доиралари вакиллари ҳам катта қизиқиш билан қарамоқда. Хусусан, мазкур анжуманда қатнашиши кутилаётган "Muez-Hest" компаниясининг стратегик тараққиёт масалалари бўйича маслаҳатчиси Ражив Арора "Жаҳон" ахборот агентлигига берган интервьюсида бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.***

— Аввало, дунёнинг кўплаб илғор компания ва ишлаб чиқарувчи ташкилотларини ўзига чорлаётган Тошкент халқаро инвестициявий форумида "Muez-Hest" компанияси салоҳиятини тақдим этиш имконияти пайдо бўлганидан мамнунлигимизни айтмоқчиман.

"Muez-Hest" ёғ-мой саноати, сабзавот ҳамда мевалар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлашга мўлжалланган ускуналар ишлаб чиқариш, ушбу йўналишда фаолият юритувчи корхоналарни ташкил қилиш, уларни зарур асбоб-ускуна ҳамда жиҳозлар билан таъминлаш бўйича Ҳиндистонда ва кўплаб хорижий давлатларда муваффақиятли иш олиб бораётган нуфузли компаниялардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон тарихан қисқа даврда иқтисодиёти тез суръатлар билан ривожланаётган замонавий давлатлар сафидан жой эгаллади. Бугун мамлакатингизнинг чорвачилик ҳамда боғдорчилик соҳасидаги салоҳияти юқорилиги, шу билан бирга, экспортга хом ашё эмас, тайёр маҳсулот етказиб бериш имкониятлари ортиб бораётгани ва юртингиз тадбиркорлари бундан унумли фойдаланишаётгани алоҳида эътирофга лойиқ кўрсаткич ҳисобланади. Биз ҳам мазкур йўналишда ўзбек ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлик қилишни, яъни, Ўзбекистоннинг кенг имкониятлар яратилган индустриал зоналарида бизнес юритиш мақсадида Халқаро инвестициявий форумда иштирок этишни режалаштираяпмиз.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистоннинг Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ҳамда ҳаётга изчил татбиқ қилинаётган мустақил тараққиёт модели ўта пухта ўйланганi боис бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам ўзининг ҳаётий эканини тўлиқ исботлади. Мамлакатингизда хорижий инвесторлар учун қулай сармоявий муҳит шакллантирилгани, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниб, эркин фаолият юритишлари учун кенг имконият ҳамда афзалликлар яратилгани билан бирга, банк тизимини такомиллаштириш, озиқ-овқат дастурини амалга ошириш ва бошқа шу каби иқтисодий мавзулардаги халқаро конференциялар, мунтазам тарзда халқаро пахта ва тўқимачилик ярмаркаси, инвестиция форумларининг ўтказилиши ҳам Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш стратегик жиҳатдан аниқ режаларга асосланганини англатади, десам хато бўлмайди.

**«Жаҳон» АА,**
Деҳли

## ҲXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Андижонда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиқлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва бунда оммавий ахборот воситаларининг ўрнини янада кучайтириш масалаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

**● "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" республика кўрик-танловининг Навоий вилояти босқичи бўлиб ўтди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Навоий вилояти ҳудудий бўлими етакчи мутахассиси Жонибек Шухратов ғолиб деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.**

**● Қаршида иқтисодиёт ривожида хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва роли масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

**● Сурхондарё вилоятида 2015 йилнинг 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ҳамда устувор вазифалар ижросига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.**

**● Андижонда 2015 йилнинг 9 ойида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларга бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

**● "Volkswagen" сўнгги 15 йилда биринчи марта чоракни зарар билан ёпди. "Volkswagen" автоконцерни 2015 йилнинг учинчи чораги якунига кўра 3, 48 миллиард евро миқдорида зарар кўрди. Компания 1,73 миллиард евро миқдорида соф зарар кўрган, бир йил аввал худди шу даврда компания соф фойдаси 2,93 миллиард еврони ташкил этган эди. "Volkswagen" вакилларининг маълум қилишича, можаро билан боғлиқ харажатлар сабаб операцион фойда кўрсаткичи ўтган йилги натижалардан "сезиларли кам" бўлади. Компания жорий йилги савдо кўрсаткичлари ўтган йилги рекорд — 10,14 миллион автомобилни такрорлайди, деб кутмоқда.**

**● Канаданинг "DataWind" компанияси Ҳиндистоннинг RCom телекоммуникациявий компанияси билан биргаликда дунёдаги энг арзон смартфонни ишлаб чиқаришини маълум қилди. Қурилма 999 рупийга (15 доллар атрофида) нархланади. Economic Times нашрининг маълум қилишича, янги смартфон RComдан йил давомида интернетдан текин фойдаланиш имконини берувчи хизматлар пакети билан бирга сотилади.**

**● АҚШнинг Пенсильвания штатидаги Монтур округида маҳкамлаб қўйилган пўлат арқонини узган разведка дирижабли ерга қулади. Дирижабль диаметри 34 метрга тенг ва ҳаво разведкасини амалга ошириш учун ракеталарга қарши радарлар билан жиҳозланган. Мазкур ҳодиса оқибатида жабрланганлар тўғрисида ҳозирча маълумот берилмаган. Дирижаблдан осилиб турган пўлат арқонлар электр узатиш тармоқларини шикастлаб, мингга яқин кишини ёруғликсиз қолдирган.**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИШ УЧУН ИСТИҚБОЛЛИ СОҲАЛАР КЎП

***Президентимиз Ислом Каримовнинг фармойишига мувофиқ шу йил 5-6 ноябрь кунлари пойтахтимизда ўтказиладиган Халқаро инвестициявий форум жаҳон ишбилармонлари эътиборини тортмоқда. Унда кўплаб халқаро молия ташкилотлари, йирик хорижий компания ва концернлар раҳбарлари, инвесторлар ва экспертлар иштирок этиши кутилмоқда.***

ЎзА мухбирлари мазкур форумда қатнашиш истагини билдирган хорижлик ишбилармонлар билан интернет орқали боғланиб, уларнинг мамлакатимиз тараққиёти ҳақидаги фикрлари, анжуман билан боғлиқ режа ва мақсадларини сўради.

**Инди ЖАНГ, "Suwan TPL" компанияси вице-президенти (Жанубий Корея):**

– Ишбилармонлар бирон мамлакатга сармоя киритишдан аввал унинг иқтисодиётига, қонунчилигига, инфратузилмаси ва бошқа шарт-шароитларига эътибор қаратади. Ўзбекистонда бу каби омилларнинг ҳаммаси бор. Мамлакатингиз иқтисодиёти изчил тараққий этмоқда, инфратузилма ривожланган, инвесторлар ҳуқуқлари кафолатланган, солиқ преференциялари яратилган.

Ўзбекистонда сармоя жалб этиш учун истиқболли соҳалар жуда кўп. Компаниямиз Ўзбекистон логистика тармоғига инвестиция киритиш ниятида. Инвестициявий форумда иштирок этиш орқали бу соҳада ҳамкорлар топишни мақсад қилганмиз.

Халқаро инвестициявий форумда дунёнинг йирик компаниялари, машҳур бизнесменлари иштирок этиши Ўзбекистоннинг обрў-эътибори ва улкан салоҳиятидан далолат беради.

**Пракаш КЕЖРИВАЛ, "Indorama Corporation" компанияси директори (Сингапур):**

– Дунёда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган шароитда ҳам Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсиши бир неча йилдан бери 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда. Бугунги мураккаб халқаро иқтисодий вазиятни инобатга олган ҳолда бу ғоят юксак натижа эканини алоҳида қайд этишни истардим. Бу Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган оқилона иқтисодий сиёсат самарасидир.

Ўзбекистон табиий ресурсларга бой, саноати изчил ривожланаётган, улкан интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат. Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция йўналтирган бизнесмен катта фойда топади. Биз буни ўз тажрибамиздан биламиз. 2011 йилда Қўқон тўқимачилик комбинати негизида ташкил этилган, замонавий технологиялар билан жиҳозланган "Indorama Kokand Textile" қўшма корхонамиз муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Мингдан зиёд ходим меҳнат қилаётган корхонада ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотлар кўплаб мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Ўзбекистон билан тўқимачилик соҳасидаги ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ва турини кенгайтириш ниятидамиз. Ўзбекистон саноатининг бошқа тармоқларида, хусусан, нефть ва кимё саноатида яратилган кенг имкониятларни ҳам ўрганмоқдамиз. Шу соҳаларга сармоя киритишни режалаштирганмиз.

Ўзбекистондек истиқболли мамлакатда инвестиция киритиш таклиф этилаётган соҳа ва корхоналар билан танишиш, ҳамкорлар топиш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконияти яратилганидан жуда мамнунмиз.

**Ирода УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА**
**ёзиб олди.**

# ДЕПУТАТ: БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

*Маълумки, Юртбошимиз шу йил 23 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида давлат бошқаруви, қонун ижодкорлиги соҳасида очиқликни таъминлаш, жамоатчиликни парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятидан ҳар томонлама хабардор қилиб бориш муҳим вазифа эканлигига алоҳида эътибор қаратган эдилар.*

*Қонун ижодкорлиги фаолияти жараёнида минтақавий ва умумдавлат манфаатлари мутаносиблигини таъминлаш вазифаларининг амалга оширилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши билан олиб бораётган ўзаро ҳамкорлиги жамиятнинг очиқлиги ва демократик тамойиллар талабларига тўла мос келади.*

*Бинобарин, Тошкент шаҳрида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни демократлаштириш жараёнида вакиллик органлари фаолиятининг очиқлигини кенгайтириш, бу борада фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.*

*Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси ҳамда шаҳар Кенгаши депутатларининг долзарб масалалар бўйича мақолалари бериб борилмоқда. Бу борада "Оқшом" газеталарида "Депутат: бурч ва масъулият", "Янги Қонун кучга кирди", "Доимий комиссияларда", "Депутат билан учрашув", "Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида" сингари рукнлар йўлга қўйилган.*

*Бугунги саҳифадан ҳам халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларининг фаолияти, таклиф-мулоҳазалари ўрин олган.*





## ЮТУҚЛАРИМИЗ ГАРОВИ

***Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги хорижий тилларга ихтисослашган мактабда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар Учтепа туман Кенгаши, "Хуросон" маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузалари партия ташкилотлари фаолиятининг дастурий амали" лойиҳаси доирасида Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқининг мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган "Мустақиллик – ҳаётимиз маъно-мазмуни, миллий манфаатларимиз асоси ва фаровон турмуш гарови" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.***

Унда партиянинг Учтепа туман Кенгаши Аёллар қаноти аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Юнус Каримов, хорижий тилларга ихтисослашган мактаб ўқитувчилари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олган депутат Юнус Каримов кишиларнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётган бир даврда мустақиллик берган бебаҳо неъматнинг қадр-қимматини теран идрок этиш лозимлиги, босиб ўтилган оғир ва машаққатли, айни дамда шарафли йўлимиз, кенг кўламли ислоҳотларимиз натижасида қўлга киритган улкан ютуқларимиз ҳақида фикр юритди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, "Биз йигирма тўрт йиллик мустақил тараққиётимиз давомида қандай улкан ютуқларга эришган бўлсак, турмушимиз янада обод ва фаровон бўлиб, одамларимизнинг ҳаётдан розилиги ортиб бораётган бўлса, бунинг негизида аввало тинчлик ва осойишталикни сақлаб, азал-азалдан шундай фазилатларни кўз қорачиғидек асраб, ёш авлодимизни ана шу руҳда тарбиялаб келаётган халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақлу заковати, мустаҳкам иродаси мужассамдир".

Учрашув иштирокчилари депутатга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этишди.

— Шаҳар Кенгаши депутати билан учрашувимиз самимий ўтди, — дейди хорижий тилларга ихтисослашган мактаб ўқитувчиси Шавкат Бафоев. — Дарҳақиқат, юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Тинч-осойишта Ватанда яшаяпмиз, бошқа давлатларда қандай воқеалар юз бераётганини кўриб турибмиз. Биз ёшлар учун бу каби учрашувлар тез-тез ўтказиб турилса, айни муддао бўларди.

Учрашувда бу каби тадбирларни кўпроқ ташкил этиш, ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилишда депутатларнинг фаоллигини янада ошириш масалаларига алоҳида урғу берилди.

**Зокиржон ҚЎЗИБОЕВ**

***Сергели саноат касб-ҳунар коллежида "Камолот" ЁИҲ шаҳар Кенгаши томонидан вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшларни диний экстремизм ва ақидапарастлик каби бузғунчи ғоялар таъсиридан асраш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ва диний-маърифий дунёқарашини шакллантириш мақсадида тумандаги умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари иштирокида "Депутат ва ёшлар" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.***

## ДАВРА СУҲБАТИ

Тадбирда сўзга чиққан халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати Дилором Раҳимжонова ва бошқалар ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, "оммавий маданият"нинг зарарли таъсиридан ёшларни ҳимоялаш, уларнинг маънан баркамол бўлиб вояга етиши, замонавий билим ва ҳунарларни пухта ўзлаштиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, иқтидор ва салоҳиятини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтишди.



– Ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бу борадаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини улар онгига теран сингдиришдан иборат, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши раиси Санжар Саидов.

Дарҳақиқат, ўқув муассасаларида таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ёшларга пухта билим бериш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, қизиқиш ва интилишларига мос тарзда касб-ҳунар эгаллаши ва ҳуқуқий билимларни ўзлаштиришга яқиндан кўмаклашиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик, диний ақидапарастлик ва "оммавий маданият" аталмиш иллатларга қарши курашиш, уларнинг қизиқиш ва интилишларидан келиб чиққан ҳолда касб-ҳунар эгаллаши, таълим-тарбия олиши, бўш вақтларини мазмунли ташкил этилиши хусусида ҳам мулоҳазали фикрлар ўртага ташланди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа**

**Ислом Исмоилов олган сурат**

## АМАЛИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

***Мамлакатимизда таълим тизими муттасил такомиллаштириб борилмоқда. Зеро, кейинги пайтларда таълим жараёнига илғор технологияларни жорий этиш, таълим ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.***

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва "Таълим тўғрисида"ги қонунида умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида хориж таълим соҳаси мутахассислари билан рақобат қила оладиган миллий кадрларни етиштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда таълимни корхонадаги унумли меҳнат билан, шу жумладан ишлаб чиқариш амалиёти жараёнидаги меҳнат билан қўшиб олиб бориш асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш билан бир қаторда таълим олувчиларни иш жойлари билан таъминлаш асосий вазифалардан бири этиб белгиланган.

Ўз ўрнида шуни таъкидлаш керакки, ўқувчи ва талабанинг таълим билан амалиётни ҳамоҳанг олиб бориши талабанинг меҳнатга ва танлаган касбига нисбатан қизиқувчанлигини оширади. Унинг шахсий хусусиятларига жавоб берадиган касбий маҳоратни чуқур эгаллашига ёрдам беради.

Қолаверса, амалиёт орқали талабалар илғор замонавий технологиялар билан ишлашни ўрганибгина қолмай, уларнинг меҳнатга бўлган муносабати тубдан ўзгаради.

Бунда ишлаб чиқариш корхонасига амалиётга келган талабага малакали мутахассисни бириктириш, "Устоз-шогирд" анъанаси асосида ҳар томонлама етук шогирд тайёрлаш, танланган касбнинг муҳимлигини унинг онгига сингдириш масаласига алоҳида эътибор қаратган ҳар қандай корхона, аввало ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлабгина қолмай, уни муттасил ривожлантириш ва модернизация қилиб бориш имконига эга бўлади.

Маълумки, Тошкент шаҳри иқтисодиётининг юксалишида ишлаб чиқариш ҳамда кичик ва хусусий бизнес соҳаларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Ўтган йил якунларига кўра саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш шаҳримизда 15,5 фоизга ошган. Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши эса 55,9 фоизни ташкил этди.

Саноатнинг етакчи тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилиш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада тараққий эттириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш, инфратузилмани ривожлантириш ва энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлаш учун янада кенг шарт-шароитлар яратиш масалалари бош вазифа этиб белгиланган.

Йилдан йилга бу суръатлар ортиб бормоқда. Демак ишлаб чиқариш, тадбиркорлик фаолиятига бўлган эътибор кучайиб бораверади. Ўз-ўзидан коллеж ва олий ўқув юртини битирган ёшларнинг ўзи танлаган ва севган соҳада ишлашини таъминлаш муҳим вазифа бўлиб қолаверади.

Шунингдек, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, уни келажак авлодга асл ҳолида етказиш йўлида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизни ҳеч иккиланмасдан уста ва ҳунармандлар Ватани дейиш ҳам мумкин. Бунга гўзал диёримизнинг кундан кунга обод бўлиб бораётганлиги яққол далилдир. Шуни унутмаслигимиз керакки, бу дунёда ҳамма нарса инсон қўли ва шуури билан яратилади. У ёки бу касб устасининг ўз маҳорати, касб сир-асрорларини фарзандларига, ёшларга қолдириши халқимизнинг қадимий анъаналаридан бири ҳисобланади. Бу ўринда давлатимиз раҳбарининг "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони муҳим аҳамиятга эга. Ушбу Фармон асосида юртимизда, қолаверса, пойтахтимизда турли шаклда фаолият юритиб келаётган тажрибали ҳунарманд ва усталарнинг шогирд тайёрлаши муҳим масала этиб белгиланди. Оддий қилиб айтадиган бўлсак, халқимизнинг азалий "Устоз-шогирд" анъанасига ҳуқуқий мақом берилди.

Ўз ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда касб-ҳунар коллежи ҳамда олий ўқув юрти битирувчиларини иш билан таъминлаш, амалиёт давомида уларга малакали устозларни бириктириш, "Устоз-шогирд" анъанасини давом эттириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Бундан ота-оналар ҳар қанча ғурурланса арзийди. Халқимизда "изланганга толе ёр" деган ҳикмат бор. Бу имкониятдан ёшларимиз унумли фойдаланиши, устоз этагини тутиб ўзлари қизиққан касб ёки ҳунар маҳорати сирларини ўрганиб олишлари лозим.

Маълумки, олий ва ўрта махсус ўқув даргоҳларида талабалар учун амалиёт ўқишнинг учинчи босқичидан бошланади. Бу пайтда коллеж битирувчилари ўқишни битириш арафасида бўлади. Амалиёт жараёнини энди англаш пайтида у ўқишни тугатади. Шунинг учун олийгоҳ ва ўрта махсус таълим муассасаларида амалиёт жараёни ўқишнинг 1 босқичидан бошлангани мақсадга мувофиқ бўлади. Яъни, назарий билим билан амалиёт бирга олиб борилиши лозим.

Баъзи ўқув муассасаларида талабадан амалиётни қаерда ўташи сўралади. Кўпчилик талабалар ўзлари билган корхона номини ёздиради. Гоҳида корхона раҳбарлари амалиётчи талабага унчалик эътибор ҳам қаратмайди. Фақат унга жараён ўтганлиги тўғрисида маълумотнома керак деб ҳисоблайди. Баъзан амалда ўтилмаган амалиёт маълумотномасига "зўр ўтди" қабилида муҳр уриб ҳам беради. Иш хамирдан қил суғургандай силлиқ битганига талаба ҳам хурсанд бўлиб кетаверади. Ажабланарлиси шуки, таълим муассасаси раҳбарияти талабанинг ҳақиқатан ҳам амалиёт жараёнини ўтдими, ўтмадими, қизиқмайди. Хўжакўрсин амалиётларга чек қўйиб, бу борада тегишли назорат ишларини йўлга қўйиш пайти келди. Талаба-ёшларимиз таълим олиш билан бир қаторда ишга, меҳнатга меҳр қўйиб, амалиёт жараёнига юзаки қарамасдан имкон даражасида кўпроқ нарсани ўзлаштириб олишга ҳаракат қилишлари лозим. Албатта, баъзан ўзига яраша қийинчиликлар, тушунмовчиликлар ҳам бўлади. Бу борада устозлар гапига кириш, уларнинг маслаҳатларини қабул қилиш керак. Бирон бир устоз ҳаётий бой тажрибасини ўзи билан олиб кетмайди. Фарзандларимга, шогирдларимга улашсам дейди. Агар иқтидорли шогирд устоздан ўтиб юксак ютуқ ва марраларга эришгудек бўлса, устоздан бахтли одам бўлмайди.

Кўриниб турибдики, талаба-ёшларимизнинг амалий меҳнат билан ошно бўлиши илк бор ишлаб чиқариш корхоналари, муассаса ва ҳунарманд устахоналаридан бошланади. Шу боис, амалиёт — талаба йигит-қизларнинг меҳнатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирувчи, касб танлаш маҳоратини шакллантирувчи, ҳаёт йўлини кўрсатиб берувчи бир мактаб эканлигини асло унутмаслигимиз керак.

**Отабек ЖИЯНБАЕВ,**
**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, "Магнум медикал сервис" МЧЖ бош директори**

## ТАРМОҚЛАРАРО САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, тадбиркорларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, уларга замонавий, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уни экспортга чиқаришда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

– Атлас, адрас, беқасам матоларидан миллий либослар ва аксессуарлар тикамиз, – дейди қашқадарёлик якка тартибдаги тадбиркор Умида Фозилова. – Бугунги кунда миллий ҳунармандлик турларини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли матоларимиздан тикилган либослар халқаро миқёсда кенг оммалашмоқда. Хусусан, ўтган йилги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида Хитой, Ҳиндистон, Россия каби мамлакатлар фирма ва компаниялари билан ўнлаб экспорт шартномалари имзоладик. Жорий йилда экспорт жўғрофиясини янада кенгайтириш ниятидамиз.

Иқтисодиётимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш учун пухта замин яратмоқда. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида кўплаб мамлакатлардан фирма ва компаниялар вакиллари иштирок этиб, мамлакатимиз ишбилармонлари билан ҳамкорлик юзасидан музокаралар олиб бормоқда.

– Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси юксак савияда ташкил этилган, – дейди Ҳиндистоннинг "Shrinivas Dalls" компанияси вакили Сант Кумар. – Анжуманда ҳар бир иштирокчига ўзини қизиқтирган тармоқ ҳақида тўла маълумот олиш, ҳамкорлик юзасидан музокара ўтказиш, битим ва шартномалар тузиш учун барча қулайлик яратилган. Юртингизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда бизнес юритиш учун қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар мавжуд. Шу боис Ўзбекистонда саноатнинг кўплаб соҳаларида фаолият юритувчи корхоналар билан шериклик алоқаларини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида самарали мулоқотлар ўтказилиб, шартномалар имзоланмоқда.

**Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири**

**Анжуманлар**

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

***Шаҳримизда долзарб масала — мамлакатимизда инновацион ривожланиш жараёнларини жадаллаштириш, саноатчилар, олимлар, тадбиркорлар ҳамкорликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган "Инновация – 2015" халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

Маълумки, инновация, миллий инновация тизими давлатнинг муҳим ресурсларидан бирига айланган. Ишлаб чиқариш ва молия соҳаларига янги технологияларни жорий этиш, инновацион инвестиция инфратузилмасини ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятни кучайтириш ва ишга солиш, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ижтимоий-иқтисодий ва бошқа қатор муаммоларни муваффақиятли ҳал қилишнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда.

Анжуманда Нидерландия, Германия, Норвегия, Исроил, Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон, шунингдек, юртимизнинг олимлари, тадқиқотчилар, тадбиркорлар, иқтидорли ёшлар ва уларнинг устозлари маърузалари билан қатнашди.

Анжуман ялпи мажлиси Стратегик инновациялар ва информатизация маркази директори профессор О.Қодиров, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Микробиология институтидан биология фанлари доктори М.Сагдиева, Нидерландия Қироллигининг фахрий консули Хьюго Миндерхауд ва бошқаларнинг "Тармоқлараро стратегик инновациялар ва информатизация маркази "Инновация лойиҳасига XX йил", "Ўзбекистон Республикасида биогидрометаллургия: ҳолати, муаммолари ва ривожланиш истиқболлари","Нидерландия иқтисодининг ривожланишида инновациянинг роли" каби маърузалари билан бошланди. Ялпи мажлис ва "Таълим ва ёшлар муаммолари", "Иқтисод соҳаларидаги инновацион жараёнлар", "Ёнилғи-энергетика, минерал хом ашё ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммоларининг ечими учун инновацион усуллар ва технологиялар", "Кончилик иши ва металлургия", "Объектлар ва технологик жараёнларни автоматик ва автоматлаштирилган бошқарув тизимлари", "Математик моделлаштириш ва тизимли таҳлил", "Информацион технологиялар ва тизимлар ҳамда уларнинг амалий жиҳатлари (масофадан туриб ўқитиш, электрон вариантли савдо ва б.). Информацион хавфсизлик муаммолари", "Сув – чўллар — экология: муаммолар ва ечимлар" йўналишлар бўйича шўъбаларда 200 га яқин чиқишлар ва материаллар тақдим этилди. Анжуман материалларининг нашр қилиниб, тарқатилганлиги фикр алмашишда, илмий хулосаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишда, инновацияда, истиқболни белгилашда, иқтисодда, тадқиқот ишларида, ёшлар тарбиясида асқотади.

Анжуман якунида биз хорижлик олимлар билан суҳбатлашдик. Жумладан, Урал давлат педагогика университетининг математика, информатика ва информацион технологиялар институти директори (Россия) Марина Лапенок шундай деди: "Мен Ўзбекистонда биринчи бўлишим. Конференция бошланишидан олдинроқ келиб Бухоро, Самарқанд шаҳарларида, Тошкентдаги бунёдкорлик ишлари, илмий салоҳият билан танишдим. Анжуманда қатнашчиларнинг илгари сурган фикрлари, илмий хулосаларининг ишлаб чиқаришга татбиқ этишга аҳамият қаратилаётганлиги эътиборга молик".

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**






УзА олган суратлар

## Спорт янгиликлари

***Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида ташкил этилган мамлакат XXIV миллий чемпионатининг 27-тур баҳслари ғолиблик учун курашаётган командаларга муҳим очколарни тақдим этди.***

# ҚИЗҒИН БАҲСЛАР

Турнир жадвалида 63 очко жамғариб "Локомотив"ни ортда қолдириб пешқадамлик қилаётган "Пахтакор"га ушбу турда йирик ҳисобдаги ғалаба насиб этди. "Пахтакор" марказий стадионида "Динамо" билан куч синашган амалдаги чемпион жамоа 90 дақиқа давомида тўлиқ устунлик қилди ва меҳмонларни 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Мухлислар шу куни Ж.Машарипов, К.Махарадзе (2 та), И.Сергеев, К.Тожиев Б.Пардаевлар томонидан киритилган голларга гувоҳ бўлишди.

Шунингдек, турнинг марказий учрашуви ҳисобланган "Насаф" — "Бунёдкор" ўйинида дарвозалар дахлсиз қолди.

Зарафшонда "Қизилқум" меҳмони бўлган "Локомотив" эса 2:0 ҳисобида зафар қучиб ҳали чемпионлик учун кураш якунланмаганлигига ишора қилиб қўйди.

Қолган баҳслар қуйидагича якунланди: "Қўқон-1912" — "Металлург" — 2:1, "Андижон" — "Сўғдиёна" — 3:2, "Шўртан" — "Машъал" — 1:0, "Олмалиқ" — "Нефтчи" — 3:3, "Бухоро" — "Навбаҳор" — 0:1.

Ўтказилган 27-турдан сўнг турнир жадвалида "Пахтакор" пешқадамлик қилаётган бўлса, ундан кейинги ўринларни "Локомотив" ва "Насаф" жамоалари эгаллашган.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# ПОЙТАХТИМИЗ КУРАШЧИЛАРИ БИРИНЧИ

***Пойтахтимиздаги "Жар" спорт мажмуасида ушу яккакураши бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари бўлиб ўтди.***

Икки кун давом этган беллашувларда 200 нафар иштирокчи ушу спорт турининг "Таолу" ва "Саншоу" йўналишида ўзаро беллашди. Мазкур мусобақага пухта тайёрланган Тошкент шаҳри жамоаси аъзолари якунда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон кубоги баҳслари ноябрь ойининг 18-19 кунлари Индонезия пойтахтида бўлиб ўтадиган XIII жаҳон чемпионати саралаш босқичига номзод ушучиларни танлаб олишда муҳим аҳамият касб этади.

Айни дамда Дилшод Бозоров қўл остидаги Ўзбекистон терма жамоаси таркибида айнан ушбу турнирда ғолиб бўлган бир қатор маҳоратли яккакураш усталари бор. Бош мураббий турли вазн тоифаларида қуйидаги спортчиларни жаҳон чемпионати саралаш босқичига ҳозирламоқда: Наргиза Сарсенбаева, Дарья Латишева, Тимур Машарипов, Шоҳжаҳон Тиловиддинов, Нурмуҳаммад Нурматов, Беҳруз Расулов, Фazлиддин Убайдуллаев.

# ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ ЎТКАЗИЛДИ

***Пойтахтимиздаги "Жар" стадионида футбол бўйича ўн олти ёшгача бўлган Ўзбекистон аёллар терма жамоаси Хитойда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати финал босқичига тайёргарлик вазифасини ўтаб берувчи иккита ўртоқлик учрашувида Иордания терма жамоасига қарши майдонга тушди.***

Таъкидлаш жоиз, иорданиялик қизлар вакилларимизга асосан биринчи ўйинда жиддий қаршилик кўрсатишни уддалашди. Анчагина қизиқарли руҳда ўтган илк назорат учрашуви кичик ҳисобда футболчи қизларимиз фойдасига ҳал бўлди. Бунда ягона голга 68-дақиқада Малика Бурхонова муаллифлик қилди. Умуман олганда, мазкур ўртоқлик ўйинида ҳар икки жамоа футболчи қизлари майдонда тўп учун жиддий кураш олиб боришди. Айниқса, ҳужумчи Шаҳноза Қурбонова ўйин давомида ўзининг фаол ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турди.

Асосан бизнинг қизларимиз устунлигида ўтган иккинчи ўйинда 2:0 ҳисоби қайд этилди. Ўзбекистонлик қизлар сафида Мафтуна Панжиева 11 ва 59-дақиқаларда икки бор муваффақият қозонишга эришди.

Энди Баҳром Норсафаров жамоаси 31 октябрда мусобақа олдидан қисқа йиғин ўтказиб, 2 ноябрь куни Хитойга йўл олади. Маълумки, Осиё чемпионати қуръа натижаларига кўра "В" гуруҳидан Ўзбекистон, Хитой, Эрон, Таиланд ҳамда Жанубий Корея термалари ўрин олган.

***Эркин кураш бўйича Россиянинг Красноярск шаҳрида ўтказилган ёшлар ўртасидаги халқаро турнирда ҳамюртимиз Ҳасанбой Раҳимов шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.***

# ПОЛВОНИМИЗ ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ЗАФАР ҚУЧДИ

Бу йилги ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кумуш медални қўлга киритган полвонимиз халқаро мусобақа давомида барча рақиблари устидан осонлик билан ғалабага эришди. Эътиборлиси, Ҳасанбой Раҳимов чемпионлик йўлида асосан россиялик полвонлар билан бел олишди. Финалда мезбон спортчи – Олег Балаевни ҳам доғда қолдирган ёш, умидли вакилимиз ўз коллекциясига яна бир олтин медални қўшиб қўйди. Финал остонасида мағлубиятга учраган Руслан Алиев ва Никита Мешковга бронза медаллари насиб қилди.

Эслатиб ўтамиз, Сараевода ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги спорт курашлари бўйича жаҳон чемпионатида 100 килограммгача бўлган полвонлар ўртасидаги баҳсда Ҳасанбой финалгача бўлган барча рақибларини мағлубиятга учратиб, ҳал қилувчи беллашувда америкалик курашчига имкониятни бой бериб қўйган эди.

***Англиянинг Манчестер шаҳрида таэквондо бўйича Гран-при туркумига кирувчи йирик мусобақаларнинг сўнггиси бўлиб ўтди.***

# АНГЛИЯДАГИ МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Қувонарлиси, ушбу мусобақада иштирок этган ҳамюртимиз Дмитрий Шокин 80 килограммдан юқори вазн тоифасида барча рақибларини осонлик билан мағлубиятга учратиб Манчестер Гран-присида ғолиб чиқди.

Бундан аввал Самсун шаҳридаги турнирда эронлик Сажжад Марданига қарши кечган жангда ҳакамларнинг қўпол хатоси сабаб олтин медалдан мосуво бўлган вакилимиз, бу сафар ўз вазнида дунёнинг энг кучли таэквондочиси эканлигини яна бир бор исботлади.

Англияда дастлаб Жанубий кореялик таэквондочи мағлуб этилган бўлса, иккинчи ва учинчи даврада эронлик рақиблар мағлубиятга учратилди. Финалда эса кубалик Робилес Диспей рақиб бўлди ва муросасиз кечган баҳсда Дмитрий ғалаба қозонди.

Ушбу ғалабадан сўнг Дмитрий Шокин жаҳон рейтингида пешқадамликни ўз қўлига олди. Айни шу вазнда даянга чиқиб иккинчи даврада Беларусь вакилига имкониятни бой берган Жасур Бойқўзиев эса рейтингда иккинчи ўринга тушиб қолди.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

## Мутахассис маслаҳати

# ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ

***Қутуриш касаллиги ўта хавфли юқумли касаллик бўлиб, у билан одамлар ва ҳайвонлар касалланади. Қутуриш касаллигини қўзғатувчи вирус табиатда иссиқ қонли ҳайвонлар танасида яшайди.***

Қутуриш касаллиги юққан ит ёки бошқа ҳайвонлар жуда ҳам жаҳлдор ва қопағон бўлиб қоладилар.

Бундай хавфли касалликнинг олдини олиш учун одамни бирор ҳайвон тишладими ёки унинг сўлаги тегдими, бу ҳол фақат жабрланган кишини эмас, балки унинг яқинларини, умуман, ҳаммани бу ҳайвон қутурмаганмикан, деган ташвишга солиб қўйиши керак.

Қутурган ҳайвон одамни тишлаганида ёки унинг сўлаги тирналган, шилинган, жароҳатланган терига, кўз, бурун, оғиз, томоқ шиллиқ қаватларига текканида вирус организмга ўтиши натижасида қутуриш касаллиги юқади. Вирус қон орқали инсоннинг бош миясига етиб келиб кўпая бошлайди. Вируслар сўлак безларида шу даражада кўпайиб кетадики, натижада ташқарига ажрала бошлайди ва бошқаларга юқади.

Вирус одам танасига кирганидан то касаллик аломатлари бошлангунча 2 ҳафтадан 6-12 ойгача ва ундан кўпроқ вақт ўтиши мумкин. Яширин давр муддати нима учун ҳар хил бўлади? Бу бир неча сабабларга боғлиқ. Чунончи, ҳайвонлар гавданинг юқори қисмларини (бош, бўйин, юз, кўкрак қафаси, қўл бармоқларини), яъни марказий нерв тизими (бош ва орқа мия)га яқин жойларни тишласа, бу ердаги нерв ҳужайралари қанча кўп зарарланса ёки қанчалик кўп сўлак тегса, бир неча ердан тишлаган ва жароҳат чуқур бўлса, яширин давр шунчалик қисқа бўлади. Вирус одамнинг бош ва орқа миясига кириб, оғир мия яллиғланишига олиб келади, 100 фоиз ўлим билан тугайди.

Шунинг учун қутуриш касаллиги юққан одам, ҳайвон томонидан тан жароҳати етказилганда зудлик билан врачга мурожаат қилса, қутуришга қарши ўз вақтида эмланса, уни ўлимдан сақлаб қолиш мумкин.

Эмлаш қанчалик эрта бошланса, у шунчалик наф қилади. Эмлаш курси тўла-тўкис ва узлуксиз олиб борилиши керак, чунки эмлаш нотўғри ўтказилса, у бефойда бўлиб қолади. Эмлаш даврида тавсия қилинган режимни қатъий бажариш керак. Ҳар қандай спиртли ичимликни, ҳатто у кучсиз бўлса ҳам, ичиш мумкин эмас, чунки спиртли ичимликлар организмнинг қутуриш вирусига бўлган қаршилигини бўшаштириб юборади.

Қутуриш касаллигининг олдини олиш чораларидан яна бири — дайди ит ва мушукларни тутишдир. Чунки, Тошкент вилояти ҳудудларидаги ёввойи тулки, бўрилар қутуриш касаллигининг табиий манбаларидан бўлиб, дайди ит ва мушуклар ушбу хасталикни Тошкент шаҳридаги уй ҳайвонларига юқтиришлари мумкин.

Уй ҳайвонларини қутуриш касаллигидан сақлаш учун "Ҳайвонларни сақлаш қоидалари"ни билиш ва унга риоя қилиш лозим. Итларни уйда боғлиқ ҳолда, кўчага чиққанда эса махсус ниқоб тақиш ва етаклаш учун арқон билан тутиш керак.

Энг муҳими, уй ҳайвонларини қутуришга қарши ҳар йили ўз вақтида эмлатиш керак.

**З. ШОМУҲАМЕДОВА,**
**Тошкент шаҳар ДСЭНМ**
**ЎХЮК бўлими эпидемиологи**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биржа савдоларига таклиф этади!**
2015 йил 4 декабрда "Тошкент" РФБнинг биржа савдоларига чиқариладиган акция пакетлари рўйхати

| № | Эмитент номи | Устав фондидаги улуш % | Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона | 1 дона акциянинг номинал қиймати, сўм | 1 дона акциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи, АҚШ доллари | Акциялар пакетининг бошланғич нархи, АҚШ доллари |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | "Sharq" НМАК | 44 | 1 195 982 | 1743 | 9,42 | 11 262 615,00 |
| 2 | "O`zagrosug`urta" АЖ | 24,6 | 2 010 272 | 3280 | 3,66 | 7 357 595,52 |

Қўшимча маълумотлар учун "MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" АЖга мурожаат қилишингиз мумкин.
Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 236-71-71, 236-77-92. E-mail: info@ndvakt.uz, www.gkk.uz
Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-22-83. E-mail: ugki@rambler.ru, www.gkktashkent.uz

**Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси биржа савдоларига таклиф этади!**
2015 йил 4 декабрда "Тошкент" РФБнинг биржа савдоларига чиқариладиган акция пакетлари рўйхати

| № | Эмитент номи | Устав фондидаги жами улуш % | Устав фондидаги жами улуш % | Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона | | 1 дона акциянинг номинал қиймати, сўмда | 1 дона акциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи, АҚШ доллари | Акциялар пакетининг бошланғич нархи, АҚШ доллари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | "Turonbank" АЖ | 63,1 | 54,2 | оддий | 15 950 294 | 1700 | 1,688 | 26 924 097,0 |
| | | | 8,8 | имтиёзли | 2 623 995 | 1700 | 1,150 | 3 017 594,0 |

Қўшимча маълумотлар учун "MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" АЖга мурожаат қилишингиз мумкин.
Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 236-71-71, 236-77-92. E-mail: info@ndvakt.uz, www.gkk.uz
Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-22-83. E-mail: ugki@rambler.ru, www.gkktashkent.uz

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Тошкент шаҳар давлат мулкини ижарага бериш маркази" ДК Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган 8 қаватли бинонинг иссиқ сув қувурларини таъмирлаш учун
**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**
Аризалар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 16а-уй.
Мурожаат учун тел. 245-40-99, 236-39-94.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **30 октябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10 даража илиқ, кундузи — 18-20 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **30 октябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1055
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6325 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 16.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5